

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Тошкент давлат иқтисодиёт
университети ректори

Т.З. Тешабаев



_____ 2025 й.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Олий таълим фан ва
инновациялар вазирлиги
хузуридаги ОАК раиси

А.Т. Юсупов



« _____ » 2025 й.

13.00.07 – “ТАЪЛИМДА МЕНЕЖМЕНТ”

ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон

ДАСТУРИ

ТОШКЕНТ – 2025

КИРИШ

Мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш борасида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ва ислохотлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида олий таълим соҳасида жуда катта давлат сиёсати ва ислохотлари олиб борилаётганлигини таъкидлаш лозим. Олий таълимни такомиллаштириш ва ривожлантириш, замонавий талабларга мос таълим тизимини яратиш ва кадрларни тайёрлаш борасида қабул қилинаётган қонун, фармойиш ва қарорлар дунё ва маҳаллий жамоатчилик томонидан кенг эътироф этилаётганлиги, ушбу йўналишда илмий ишларга бўлган қизиқишни ҳам ошираётганлигини кўришимиз мумкин. Олиб борилаётган тадқиқотларда таълим муассасалари раҳбар ходимларининг маркетинг, молиявий ва иқтисодий компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Таянч докторант ва мустақил тадқиқотчилар учун 13.00.07 - «Таълимда менежмент» ихтисослиги бўйича мазкур дастур Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни (ЎРҚ-637-сон), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон, 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармонлари, 2017 йил 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги «Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 304-сон қарорига мувофиқ тасдиқланган намунавий дастури асосида тайёрланди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда олий таълим муассасаларида олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш, касбий инновацион фаолиятга тайёрлашнинг яхлит тизимини яратиш, янгиликка интилувчан, инновацион фаолият билан шуғуллана оладиган юксак салоҳиятли кадрларни тайёрлаш, инновацион фаолиятни такомиллаштириш, касбий фаолият йўналишлари камровини кенгайтириш, касбий инновацион фаолиятларни ривожлаштириш ҳамда моддий-техника базани кенгайтиришнинг меъёрий ҳуқуқий асослари яратилмоқда. «...Иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш», «...Салоҳияти ва ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, халқаро рейтингларга киритиш бўйича 5 йилга мўлжалланган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш»¹

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-sonli "2022 — 2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni.

устувор вазифа сифатида белгиланди.

Мазкур дастурни тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан мутахассис кадрлар тайёрлаш ишини тубдан қайта қуриш, олий таълимни тубдан ислоҳ қилиш ишини жадаллаштириш борасида қўйилган вазифалар, жумладан "...олий таълим муассасалари илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълимда илм-фанни янада ривожлантириш, унинг академик илм-фан билан интеграциялашувини кучайтириш, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг илмий тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш" масалалари ҳисобга олинди. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти ривожланаётган шароитда олий таълим йўналишлари ва ихтисосликлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш ҳозирги замон долзарб масаласи бўлиб қолмоқда. Юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни кенгайтириш билан бир вақтда олий таълим тизимини тубдан яхшилаш, ислоҳ қилиш бугунги кунда энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу эса, биринчи навбатда, олий таълим йўналишлари бўйича ўқитиладиган махсус фанларнинг мазмуни ва ўқув дастурларини халқаро андозаларга мослаштиришни талаб қилади.

Таълим сифатини янада такомиллаштириш, узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида ўқитиш сифатини таъминлаш, етук мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, ушбу йўналишдаги ўқув дастурларининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш ҳозирги пайтда давр талабига айланиб бормоқда.

Ушбу дастур олий таълимдан кейинги таълимда илмий педагогик кадрларни тайёрлаш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, замонавий мутахассисларни касбий фаолиятида фойдаланиш учун уни ўзлаштиришга қаратилган. Олий таълимдан кейинги таълимда бўлган босқичларда орттирилган билимларга таянган ҳолда олий таълим муассасасида педагогика фанини янада чуқурроқ эгаллаш ва танланган касбига йўналтирилган ҳолатда ўзлаштиришни кўзда тутди.

Дастур 13.00.07 – "Таълимда менежмент" ихтисослиги паспортига тегишли бўлган барча масалаларни ўз ичига камраб олади. Малакавий имтиҳон дастури 13.00.07 – "Таълимда менежмент" ихтисослиги бўйича педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (ПхД) илмий даражасига талабгорлар учун мўлжалланган.

ТАЪЛИМДА МЕНЕЖМЕНТ

1-Мавзу. Таълим менежменти назарияларининг ривожланиш босқичлари. Бошқариш қонуниятлари ва тамойиллари

Таълим менежменти тушунчаси. Умумфалсафий қонунлар ва педагогик категориялар бошқарув методологиясининг асоси эканлиги. Таълим муассасаларини бошқариш соҳалари: педагогик жараёни бошқариш; таълим хизматлари бозорини бошқариш; молиявий бошқариш; ходимларни бошқариш. Бошқариш соҳалари қонунлари ва унинг аҳамияти.

Таълим муассасаларини бошқаришнинг асосий тамойиллари: яккабошчилик ва коллегиялик; илмийлик; режалилик; бошқарув шакл ва усуллари тақомиллаштириш; кадрларни танлаш ва жойлаштириш; шахсий ташаббус; жавобгарлик ва таваккалчилик.

2-Мавзу. Иқтисодиёт ва таълим

Иқтисодиёт ва таълим тушунчаларининг мазмун ва моҳияти. Иқтисодий категориялар, қонунлар ва тамойиллар. Махсус (иқтисодий) фанларни ўқитиш методикаси. Микро-макроиқтисодиёт, менежмент-маркетинг, билимлар ва инновацион иқтисодиёти. Рақамли иқтисодиёт шароитида иқтисодий таълим. Иқтисодий фанларни ўқитишнинг долзарб муаммолари. Иқтисодий таълим жараёнида инновацион педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш зарурати. Талабаларда иқтисодий билим, кўникма ва малаларни шакллантириш механизмлари. Инновацион фаолият тушунчаси. Бўлғуси мутахассис кадрларни инновацион фаолиятга тайёрлаш методикаси.

3-Мавзу. Педагогик прогностика таълимни ривожлантириш стратегияси сифатида

Таълим муассасаси ва ташқи муҳит. Ташкилий-педагогик мақсад ва маданият: таянч кадриятлар, стратегик вазифалар ва қисқа муддатли режалар. Таълим муассасаси ресурслари: ташкилий-моддий ва инсоний.

Тизимлар тўғрисида тушунча ва уларнинг таснифи. Таълим муассасалари, ташкилотлари ва тизими хақида тушунча. Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизими ва унинг турлари.

Таълим тизими ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида. Таълим муассасалари ва ташкилотлари ташкилий-педагогик тизим сифатида. Педагогик жараён (таълим, тарбия ва шахс камолоти) ташкилий-методик тизим сифатида ва унинг моҳияти.

Таълим муассасалари ва ташкилотларини бошқаришга тизимли ва вазиятли ёндашувларнинг моҳияти.

4-Мавзу. Таълим муассасаларини бошқаришнинг ташкилий тузилиши

Бошқарувнинг ташкилий тузилиши (бўғинлари, босқичлари) ва тузилмалари (кўп, уч ва икки босқичли (бўғинли). Бошқарувда вертикал ва горизонтал алоқалар.

Таълим муассасаларини бошқариш ташкилий тузилмасининг асосий турлари: чизикли ва функционал тузилмалар. Бошқарув ташкилотлари: юқори, қуйи ва тенг ҳуқуқли ташкилотлар.

Таълим муассасалари (мактабгача таълим ташкилотлари; умумий ўрта ва ўрта махсус; олий; кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; мактабдан ташқари таълим), уларнинг ташкилий тузилмаси. Таълим муассасаларида жамоат бошқаруви.

5-Мавзу. Таълим муассасаларини бошқариш усуллари

Бошқарув усуллари ҳақида тушунча. Таълим муассасаларини бошқариш усуллари: иқтисодий, ташкилий, ижтимоий, психологик ва ҳуқуқий.

Таълим муассасаларини бошқаришнинг ташкилий-фармойишли усуллари ва уларнинг турлари: ташкилий-барқарорлаштирувчи (маъмурий таъсир), фармойиш (буйруқ, фармойиш, кўрсатма ва ҳ.к.) ва интизом.

Таълим муассасаларини бошқаришнинг ижтимоий-психологик усуллари ва уларнинг турлари: ижтимоий тартибга солиш (низомлар, шартномалар, ўзаро мажбуриятлар, ходимларни танлаш, тақсимлаш ва ижтимоий эҳтиёжларни кондириш ва ҳ.к.); психологик (кичик гуруҳ ва жамоаларни ташкил этиш, меҳнатни инсонийлаштириш, малакали кадрлар танлаш ва уларни ўқитиш ва ҳ.к.лар).

6-Мавзу. Таълим хизматлари бозорини бошқариш

Таълим муассасалари бошқарув жараёнининг мазмуни (мақсад, вазият, муаммо, қарор қабул қилиш) ҳақида тушунча.

Таълим муассасаларида педагогик жараёни бошқариш, таълим хизматлари бозорини бошқариш, молиявий бошқариш ва ходимларни бошқариш функцияларининг ўзига хослиги.

Таълим муассасаларида бошқарувнинг асосий вазифалари: режалаштириш; тартибга солиш; ташкил этиш; рағбатлантириш; назорат ва ҳисобга олиш; ундаш. Таълим муассасаларини бошқаришнинг махсус вазифалари.

7-Мавзу. Таълимда замонавий бошқарувга доир қарорлар қабул қилиш

Таълим муассасалари, ташкилотлари ва тизимида бошқарув қарорларининг аҳамияти. Қарор – муқобил танлов эканлиги. Бошқарув қарорлари ва уларнинг турлари (режалаштириш, фаолият юритишни ташкил этиш, асослаш ва назоратга оид қарорлар).

Бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни ҳақида тушунча. Соф интуитив қарорлар. Мулоҳазага асосланган қарорлар.

8-Мавзу. Таълим муассасаларида маркетинг хизматини бошқариш

Таълим соҳасидаги маркетинг – мутахассис кадрлар тайёрлашга бўлган талаб ва эҳтиёжни кондиришга қаратилган фаолият эканлиги.

Маркетинг фаолиятининг таркиби: таълим хизматлари бозорини ўрганиш; давлат ва жамият (истеъмолчи) буюртмасига кўра битирувчилар

(мутахассис кадрлар) тайёрлашни режалаштириш, таълим хизматлари бозорини эгаллаш; рекламани амалга ошириш; битирувчилар (мутахассис кадрлар)ни истеъмолчига етказиб бериш.

Таълим хизматлари маркетинги турлари: конверсион маркетинг (талабни яратиш); рағбатлантирувчи маркетинг (талабни рағбатлантириш); ремаркетинг (талабни ошириш); синхромаркетинг (талабни мувозанатлаш); кўлловчи маркетинг (талабни кўллаш); демаркетинг (талабни камайитириш); қаршилиқ қилувчи маркетинг (талабни тугатиш).

Таълим хизматлари маркетинги стратегияси, унинг босқичлари. Таълим хизматлари бозорини эгаллашнинг моҳияти.

9-Мавзу. Олий таълим муассасаси харажатларини режалаштириш

Таълим муассасаси фаолият кўрсатишга кетадиган харажатларни режалаштириш. Талабалар таркибини аниқлаш. Иш хақи ва стипендия. Девон ва хўжалик сарфлари. Хизмат сафари ва хизмат билан боғлиқ қатновлар. Таълим, талабалар ишлаб чиқариш амалиёти, илмий-тадқиқот ишлари ва ресурс марказига китоб сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар. Моддий-техника базаси харажатлари. Таълим сарфларининг ҳисоб-китоби. Илмий-техникавий маҳсулот яратиш бўйича шартнома.

10-Мавзу. Иқтисодий ётти бошқаришнинг ташкилий тузилиши

Иқтисодий ётти бошқариш. Менежмент ташкилий тузилиши ҳақида тушунча. Ташкилий тузилмалар турлари. Ташкилий структураларни лойиҳалаштириш. Таълим иқтисодий ёти менежментининг иқтисодий усуллари. Таълим иқтисодий ёти менежментининг ташкилий фармойиш усули. Таълим иқтисодий ёти менежментининг ижтимоий-психологик усуллари.

11-Мавзу. Таълим муассасаларини бошқариш тизимида ахборот ва коммуникация

Бошқариш жараёни – қарорлар қабул қилиш мақсадида ахборот тўплаш, узатиш ва қайта ишлаш, буйруқлар кўринишида ахборот бериш ва уни ижрочиларга етказишдан иборат эканлиги.

Таълим муассасаларини бошқарув тизимида умумий ахборот турлари: тезкор, статистик, молиявий, иқтисодий, ҳисоб-китоб, таъминот, кадрлар бўйича, педагогик-технологик, маркетинг, ижтимоий ва бошқалар.

Таълим муассасаларида келиб чиқиш манбасига кўра (ташки ва ички), йўналишига кўра (бошланғич ва бошқарувчи), барқарорлик даражасига кўра (барқарор, шартли-барқарор, ўзгарувчан) ахборотлар, уларнинг моҳияти.

Таълим муассасаларида ахборотларни рўйхатга олиш ва сақлаш воситалари.

Таълим муассасаларида оддий ва мураккаб ахборот тизимлари. Автоматлаштирилган бошқарув тизими (АБТ) ва унинг вазифалари: ахборотни қабул қилиш; ахборотни қайта ишлаш; ахборотни сақлаш ва йиғиш; бошқарув ташкилотига ахборот бериш; ижрочиларга буйруқ узатиш.

Таълим муассасалари ва ташкилотларида бошқарув техникаси ва таснифи ҳақида тушунча. Бошқарув техникаси воситалари. Ташкилий техника воситалари (оддий курул ва воситалар; ахборот олиш ва қайта ишлаш, кўчириш, кўпайтириш, алоқа воситалари; ахборот узатиш, хизмат кўрсатиш ускуналари).

12-Мавзу. Замонавий раҳбарнинг таълим муассасаларида бошқарув маданияти

Таълим муассасаларини бошқарув жараёнида ахлокий, ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий, техникавий ва эстетик меъёрларга риоя қилиш зарурияти. Бошқарув маданияти тушунчаси.

Таълим муассасаларида бошқарув маданиятининг таркибий қисмлари: менежерлар маданияти; бошқарув жараёни маданияти; меҳнат шароити маданияти; ҳужжатлар юритиш маданияти.

Менежер маданияти компонентлари: менежер маданиятининг умумий даражаси; бошқарув илмини ўзлаштириши; бошқарув санъатини эгаллаши; менежернинг шахсий ва ишбилармонлик фазилатлари; менежернинг бошқарув услуби.

Бошқарув жараёни маданияти компонентлари: бошқарувнинг замонавий технологияси; бошқарув меҳнатини мақбул ташкил этиш; бошқарув жараёнини автоматлаштириш; ташрифчиларни қабул қилиш, телефон орқали сўзлашиш, мажлислар ўтказиш.

Меҳнат шароити маданияти компонентлари: иш (ўқув-тарбия) жараёни маданияти; иш ўринларини ташкил этиш маданияти; хизмат кўрсатиш маданияти; жихозлаш; шовқин.

Ҳужжатлар юритиш маданияти компонентлари: ҳужжатларни расмийлаштириш; ҳужжатларнинг хизмат қилиш муддати; ҳужжатлардан фойдаланишнинг қулайлиги; ҳужжатлар билан хизмат кўрсатиш ишончлилиги.

13-Мавзу. Таълим муассасаларида конфликтлар ва уларни бошқариш техникаси

Таълим муассасалари ва ташкилотларидаги низолар – аниқ шахс ёки гуруҳлардан иборат бўлган икки ёки ундан ортиқ томон ўртасида муроа мавжуд бўлмаслик ҳолати эканлиги. Низоларнинг турлари ва сабаблари: шахснинг ички низоси; шахс ва гуруҳ ўртасидаги низолар; шахслар ўртасидаги низолар; гуруҳлар ўртасидаги низолар.

Таълим муассасалари ва ташкилотларидаги низоли вазиятлар: таркибий ва шахслар ўртасидаги низоли вазиятлар. Низоларни ҳал этиш усуллари: ишга бўлган талабни тушунтириш; мувофиқлаштириш ва уйғунлаштириш чораларидан фойдаланиш; умумий ташкилий мақсадлар мажмуини белгилаш; рағбатлантириш тизимини қўллаш.

Таълим муассасалари ва ташкилотларида низоларни бартараф этишнинг шахслараро услублари: чекланиш; силликлаш; нуқтаи назарни зўрлик билан

қабул қилдириш; келишув. Стресс ҳолатларини (рухий зарбани) бошқариш йўллари.

14-Мавзу. Замонавий раҳбар компетенциялари ва уни бошқарув фаолияти самарадорлиги таъсири

Замонавий раҳбар компетенциялари. Раҳбарнинг иш услуби. Менежментда мотивлаштириш тушунчаси ва назарияси. Лидерлик ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Бошқариш тамойиллари ва услуби. Раҳбар ва ҳокимият. Раҳбар ва ваз. Бошқариш воситалари. Ишонтириш бошқаришнинг асоси сифатида. Бошқарув қарорлари менежер ишининг самарадорлиги маҳсули сифатида. Ишга доир муносабатларда мулоқот маданияти. Ходимларнинг ижтимоий ҳуқ-атворини рағбатлантириш. Ўқув-тарбия жараёнидаги ўз-ўзини назорат қилиш бошқариш воситаси. Меҳнатни рағбатлантириш тартиби.

15-Мавзу. Таълим тизимини молиялаш

Таълим тизимини молиялаш мазмуни. давлатнинг таълим соҳасидаги харажатларини ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш жараёни. Таълим тизимини молиялаштиришнинг асосий йўналишлари. Таълим муассасалари бюджетдан ташқари маблағининг шаклланиши. Таълим муассасаларини бюджетдан ташқари фаолиятини бошқариш.

16-Мавзу. Таълим муассасасининг иқтисодий фаолиятини либераллаштириш

Олий таълим муассасаларининг ривожлантиришда бюджетдан ташқари маблағлари. Олий таълим муассасаларини ташқи иқтисодий фаолиятини кенгайтириш. Таълим соҳасида солиқ сиёсатини ривожлантириш. Таълим муассасасининг бюджетдан ташқари молиявий маблағлари. Таълим муассасаларини бюджетдан ташқари фаолиятини бошқариш. Таълим соҳасида кредитлар олиш. Таълим бюджети ва мониторинг тушунчалари. Таълим муассасасини молиялаш тартиби. Таълим муассасасини молия бўлимларининг фаолияти.

17-Мавзу. Таълим мазмунини лойиҳалаш

Таълимнинг мазмуни. Таълимнинг Давлат таълим стандарти. Таълим йўналишлари ва мутахассисликлар классификатори. Ўқув режа, фан дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмалар. Ўқув режа, фан дастурларини ишлаб чиқиш. Иқтисодий таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш. Ўқув юктамаларнинг меъёрига келтирилиши. Таълим оловчилар билимини баҳолаш мезонларининг ишлаб чиқилиши. Ўқув-тарбия жараёнини педагогик ва ахборот технологиялари билан таъминланиши. Иқтисодчи мутахассислар малакасига нисбатан меъёрлар ва талабларнинг белгиланиши. Иқтисодчи кадрларнинг мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминланиши. Таълим мазмуни

тузилмасининг макродаражаси. Умумтаълим ва касбий тайёргарлик. Микродаражадаги ўқитиш мазмунининг тузилмаси.

18-Мавзу. Таълим хизматлари бозорини бошқариш

Педагогик жамоа – ўқув муассасаси бошқаришнинг объекти. Педагогик бошқариш тушунчаси. Ўқув-тарбиявий жараёни бошқариш. Педагогик фаолиятни фаоллаштириш. Педагогик фаолиятни бошқариш дастури. Ахборотларни қабул қилиш ва уларнинг таҳлили. Раҳбар ва унинг шахси: маънавий етуклиги, интизом ва меҳнатга бўлган муносабати, билим даражаси, ташкилотчилик қобилияти, бошқариш самарадорлигини ташкил қила олиш қобилияти. Шахс ривожланишини ҳаракатга келтирувчи кучлар. Таълим муассасаси бошқарувининг педагогик йўналтирилганлиги. Бошқарув фаолиятини амалга оширишда маркетинг. Таълим тизимини бошқариш структураси.

19-Мавзу. Ташкилотда стратегик бошқарув самарадорлиги

Таълим жараёнини бошқаришга тизимли ёндашув. Стратегик бошқариш ва режалаштириш. Ходимларни танлаш ва режалаштириш. Бошқарув маданияти. Стратегик режалаштиришда мамлакат, унинг минтақалари, иқтисодий тармоқлари ва соҳаларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, мақсадли параметрлари, устувор вазифаларини белгилаш, чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

20-Мавзу. Таълим хизматларининг асосий йўналишлари ва уни ривожлантириш

Малакали мутахассисларга талабни белгилаш. Таълим хизматларини ташкил этиш принциплари. Таълим тизимида маркетинг фаолияти хусусиятлари. Миллий таълим хизматлари бозорининг шаклланиш тенденциялари. Кадрлар бозорини ривожлантиришда таълим хизматларининг амалий жиҳатлари. Ўзбекистонда таълим хизматларига талаб ва таклиф даражаси. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида ўқув юртларининг касбий таълим хизматлари бозоридаги стратегияси ва тактикаси.

21-Мавзу. Глобаллашув шароитида меҳнат салоҳияти ва ундан фойдаланиш

Иқтисодий меҳнат ресурслари, таркиби ва иқтисодийдаги вазифалари. Мамлакатда ишсизлик ва бандлилик даражаси. Ўзбекистонда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари. Меҳнат бозори ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Иш кучига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносибликни сақлаш. Глобаллашув шароитида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги. Иқтисодий меҳнат ресурсларидан фойдаланишни такомиллаштириш. Аҳолини иш билан таъминлаш. Ўзбекистон хотин-қизларининг рақобатбардошлигини ошириш механизми.

22-Мавзу. Иқтисодиёт олий таълим муассасаларида педагогик жараённинг моҳияти

Иқтисодиёт олий таълим муассасаларида педагогик жараённинг моҳияти. Иқтисодий олий таълим жараёнида мазмун, ўқиш, ўқитиш, тарбиялаш асосий боғловчи компонент эканлиги. Таълим жараёнида илмий билимларни эгаллаш. Муайян иқтисодий ва педагогик фанлар ўртасидаги боғланишларни идрок қилиш, уларни изоҳлай билиш, мустақил равишда умумлаштириш. Иқтисодий таълимнинг тамойиллари. Асосий йўналишдаги ривожланган иқтисодиёт, техника ва илмий ўқитиш. Иш жараёнида соҳавий билимлар ва уларни иқтисодий фанда қўлланилиши. Таълим олувчиларнинг ўқув, меҳнат фаолиятини ташкил этиш. Ўқув материалини қабул қилиш. Ўқув материалини самарали ўзлаштиришнинг ички шароитлари. Иқтисодий олий таълим жараёнида малакавий билимларни олиш. Шахсий маълумотнинг мазмуни. Малакали ривожланишнинг субъектив мониторинги. Таълим олувчиларнинг малакавий ривожланишини шахсий мўлжалга олиш технологияси. Иқтисодий таълимнинг самарадорлик мезони.

23-Мавзу. Замонавий таълимда инновасия жараёнлари ва унинг асосий босқичлари

Инновасия жараёни ҳақида тушунча. Инновасия жараёнининг мақсади. Инновасия жараёнининг асосий босқичлари: фикр (ахборот)ларни йиғиш ва умумлаштириш; ғояларни аниқлаш (янги педагогик илмий маҳсулот ёки технология ғоясини ишлаб чиқиш); янги педагогик илмий маҳсулот ёки технология самарадорлигининг таҳлили, унинг маркетинг дастурини ишлаб чиқиш; янги педагогик илмий маҳсулот ёки технологияни яратиш; таълим хизматлари бозорида тест ўтказиш; янгиликни тижоратлаштириш. Инновасия жараёнлари механизми: ғоя, ишланма, инновасия. Инновасия жараёнлари механизми афзалликлари: давлат буюртмаси; солиқ имтиёзлари; арзон технология; муаллифлар ҳамкорлиги; интеллектуал мулкка эгалик. Инновасияларнинг илмий, ҳуқуқий ва ахборотли таъминоти.

24-Мавзу. Олий таълимда ўқитишни ташкиллаштиришнинг назарий асослари

Рақамли иқтисодиёт шароитида ўқитиш жараёнининг моҳияти ва қонуниятлари. Ўқитишнинг психологик асослари. Таълим олувчиларнинг ўқув фаолияти. Ўқув фаолиятининг тузилиши. Таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини шакллантириш. Ўзлаштириш жараёни. Ўзлаштириш даражаси. Ўқитиш мақсадлари. Мутахассис модели ўқитиш мақсадларини белгилашнинг асоси сифатида. Ўқитиш мақсадларини белгилаш йўллари. Мақсадлар таксономияси.

25-Мавзу. Илмий-тадқиқот ва тажриба-синов ишларини бошқариш

Таълим соҳасида илмий-тадқиқот ишларининг турлари ва асосий босқичлари. Амалий илмий-тадқиқот ишларининг ахборот таъминоти. Илмий-тадқиқот ишларининг илмий-педагогик маҳсулотларини баҳолаш усуллари.

Тажриба-синов ишларининг асосий вазифалари ва босқичлари. Иш сифати кўрсаткичи ва унинг самарадорлиги. Ишланмалар самарадорлигини бошқариш. Илмий-тадқиқот ва тажриба-синов ишларини бошқаришда менежерларнинг асосий вазифалари.

Замонавий илмий-тадқиқот ва тажриба-синов ишлари учун сарфланадиган харажатлар. Илмий-тадқиқот ва тажриба-синов ишларининг инновация ва стратегияга асосланганлиги.

Педагогик (таълимий, тарбиявий) технологиялар. Технология жараёнларининг сифати. Танланган таълимий, тарбиявий технологик қарорларнинг мақсадга мувофиқлигини белгиловчи мезонлар.

Илмий-тадқиқот ва тажриба-синов ишларининг молиявий таҳлили. Илмий-тадқиқот ва тажриба-синов ишларига йўналтириладиган инвестициялар самарадорлигининг баҳоланиши.

26-Мавзу. Инновасион фаолиятни молиялаштириш

Таълим муассасалари ва ташкилотларида инновасион фаолиятнинг молиявий-кредитли қўллаб-қувватланиши.

Давлат ва бюджетдан ташқари манбалар. Турли хил манбаларнинг мақсадлари ва инвестиция устуворликлари. Инновасияларни молиялаштириш шакллари ва тизими.

Таълим муассасалари ва ташкилотларида инновасия ресурсларининг манбалари. Инновасия жамғармалари ва банклари. Инновасия лойиҳаларини молиялаштириш ҳусусиятлари.

27-Мавзу. Инновасион лойиҳалар ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш усуллари

“Инновасион лойиҳа” тушунчаси. Инновасион лойиҳанинг тузилиши. Инновасион лойиҳаларнинг турлари ва уларни ишлаб чиқиш босқичлари. Инновасион лойиҳаларини мажмуавий баҳолаш ва танлаш усуллари.

Инновасион лойиҳаларни режалаштириш. Лойиҳани бошқаришни ташкил этиш. Лойиҳалар бўйича ишларни назорат қилиш ва тартибга солиш. Лойиҳанинг муваффақияти ва уни белгиловчи мезонлар. Лойиҳанинг таянч модели. Инновасион лойиҳанинг самарасизлик сабаблари. Лойиҳаларни якунлаш тартиби.

Лойиҳалар портфелини шакллантириш масалалари. Ижодий гуруҳларни бошқариш. Тадқиқот лойиҳаси учун ходимларни танлаш. Лойиҳавий бошқарувда ходимларни ўқитишга нисбатан амалий ёндашув. Инновасион лойиҳаларни бошқариш бўйича менежернинг асосий вазифалари.

Инновасион лойиҳа таҳлилининг умумийлашган чизмаси. Инновасион лойиҳа самарадорлиги ва унинг асосий кўрсаткичлари. Лойиҳанинг фойдалиқ

индекси усули ва унинг аҳамияти. Лойиҳа рентабеллиги индекси. Инновацион лойиҳа самарадорлигини баҳолаш учун зарур бўлган дастлабки кўрсаткичларининг ҳисоб-китоби.

28-Мавзу. Замонавий таълимда кредит-модул тизими

Кредит-модул тизими тамойиллари. Кредит таълимнинг ўлчов бирлиги. Талабага йўналтирилган таълим. Талабаларнинг мобиллигини кучайтириш. Иқтисодиёт олий таълим муассасаларида талабалар ўқув юкламасининг мувозанатли тақсимооти. Ўқув дастурда фанларнинг сараланиши. Кредит-модул тизимида талабалар билимини баҳоланиши (баҳолар конвертасияси)

29-Мавзу. Олий таълим жараёнида педагогик методларни қўллаш

Ҳозирги замон ўқитиш воситаларининг яратилиши, тавсифномаси. Ўқитиш воситаларининг ривожланиш истиқболлари. Таълимий фикрлашни ривожлантириш. Анъанавий ва ноанъанавий таълим бериш услублари. Америкача ва инглизча мунозара. Кичик гуруҳларга бўлиб ишлаш, дебатлар, баҳс мунозараларни ташкил этиш усуллари. Ўқув машғулотларни аниқ йўналтирилган саволлар асосида олиб бориш услуги. Гуруҳларни жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб таълим ўтиши услуги. Таълим жараёнида моделлаштирувчи ўйинларни қўллаш. Моделлаштирувчи ўйин усулининг афзалликлари.

30-Мавзу. Ўқитиш жараёнида қўлланиладиган таълим воситалари

Ўқув маълумотларини тақдим этиш шакллари. Таълим воситаларидан самарали фойдаланиш шартлари. Қўлланиладиган ўқитиш услубига қараб дидактик воситалар тўпламини танлаш. Ўқув жараёнида ўқув адабиётлар, кўргазмали қўлланмаларнинг турлари ва улардан фойдаланиш. Гуруҳларни жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб ташкиллаштиришда таълим воситаларидан фойдаланиш. Ўқув машғулотларни аниқ йўналтирилган ўқув топшириқлари асосида олиб бориш. Таълим жараёнида моделлаштирувчи ўйинларни қўллашда таълим воситаларидан фойдаланиш.

31-Мавзу. Замонавий таълим сифатини мониторингининг назарий-методологик асослари

Таълим тизимларини тадқиқ этишга умумий ёндашувлар. Таълим сифатини тадқиқ қилишнинг методологик асослари. Таълим тизимли таҳлил ва моделлаштириш объекти сифатида. Таълим сифатини бошқариш илмий билиш ва амалиёт соҳаси сифатида. Таълим сифатини режалаштириш. Таълим сифати мониторингининг инновацион хусусияти. Таълим сифати мониторинги жараёнини лойиҳалаштириш.

32-Мавзу. Замонавий таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш

Таълим сифатини ўлчаш ҳамда баҳолаш шакл ва методлари, индикаторларини танлаш. Таълим тизимининг самарадорлигини ошириш, ўқув жараёнининг сифати ва натижаларини баҳолаш. Таълимнинг мақсадлари ва вазифаларини аниқ белгилаш, уларни амалга ошириш учун керакли кўникма ва билимларни аниқлаш. Таълим сифатининг назорат ва ўлчов тизими. Таълим сифатини назорат қилишнинг комплекс тизими.

33-Мавзу. Таълим муассасаси фаолиятини баҳолаш мезонлари

Таълим муассасалари аттестацияси ва акредитацияси. Таълим муассаси ходимлари аттестацияси. Таълим муассасалари рейтингини аниқлаш. Таълим муассасаларини лицензиялаш. Таълим сифати, ўқитувчилар ва талабаларнинг фаолияти, муассасанинг бошқаруви, инфратузилмаси ва ресурслари каби омилларни таҳлил қилиш жараёни. Сертификатлаштириш. Таълим муассасаси фаолиятини баҳолаш.

34-Мавзу. Таълим сифатини баҳолашнинг халқаро тизими

Таълим соҳасида тест синови хизмати (ЭТС – Эдусатионал Тестинг Сервисе, АКШ). Канада статистика маркази (Статистисс Санада). Ўқув ютуқларини баҳолаш халқаро Ассоциациясининг секретариати (ИЕА, Нидерландия). Ўқув ютуқларини баҳолаш халқаро Ассоциациясининг натижаларни қайта ишлаш маркази (ДПС ИЕА – Дата Просессинг Сентер ИЕА, Германия). Япония таълим соҳасидаги тадқиқотлар миллий институти (НИЕР). Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг математика ва табиий фанлар бўйича баҳолаш халқаро тадқиқот ТИМСС (Трендс ин Матҳематисс анд Ссиенсе Студй). Ўқувчиларнинг таълим ютуқларини баҳолаш халқаро дастури ПИСА (Программе фор Интернационал Студент Ассессмент). Матнни ўқиш ва тушуниш сифати халқаро тадқиқоти ПИРЛС (Прогресс ин Интернационал Реадинг Литерасй Студй). Таълим бериш ва ўқитиш тизимлари бўйича халқаро тадқиқот (ТАЛИС).

35-Мавзу. Иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши

Давлатнинг иқтисодий функциялари ва унинг бозор иқтисодиёти ривожланишига аралашуви зарурлиги. Давлат томонидан юритиладиган макроиқтисодий сиёсат кўринишлари. Иқтисодиётда ресурслар ва даромадларни ижтимоий манфаатларни эътиборга олган ҳолда қайта тақсимлаш. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви. Замонавий глобаллашув шароитида ҳудуд ва маҳаллий ҳокимиятларини ислох қилиш йўллари. Давлатнинг иқтисодий функциялари ва унинг бозор иқтисодиёти ривожланишига аралашуви зарурлиги. Давлат томонидан юритиладиган иқтисодий сиёсатнинг кўринишлари. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг давлат томонидан тартибга солиниш стратегияси.

36-Мавзу. Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг инновацион салоҳияти

Иқтисодий тартибга солиш зарурлиги ва йўллари. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш. Иқтисодий ислохотларнинг бозор инфратузилмасини ривожлантиришдаги ўрни. Бозор инфратузилмаси тушунчаси. Инфратузилманинг таркиби. Бозор инфратузилмаси ва иқтисодий ўсиш. Валюта ва қимматли қоғозлар бозори. Иқтисодий институтлар миллий иқтисодийда рақобат муҳитини шакллантириш асоси сифатида.

37-Мавзу. Билимлар иқтисодийтининг илмий-техник тараққиётнинг ривожланиш жараёнидаги роли

Илмий-техник тараққиёт ва билимлар иқтисодийтига асосланган иқтисодий тизим. Ўзбекистонда билимлар иқтисодийтига асосланган миллий инновацион тизим ва унинг аҳамияти. Ўзбекистонда билимлар иқтисодийти асосида миллий инновацион тизимларнинг ривожланишидаги ўзига хос хусусиятлар. Иқтисодийда интеллектуал капитал. Минтақаларнинг инновацион ривожланиш цикллари.

38-Мавзу. Иқтисодийда ахборот ресурслари инновацион ривожланишининг асосий омили сифатида

Билимларни бошқаришда ахборот технологияларидан фойдаланиш. Билимларни бошқаришнинг функциялари ва методлари. Янги ижтимоий-иқтисодий шароитда ахборот технологиялардан фойдаланиш. Янги технологияларни жорий этишда инновацион ривожланишнинг муваффақият омиллари. Инновацион технологияларни жорий этиш орқали компанияларнинг муваффақиятли инновацион ривожланиш мисоллари. Билимларни бошқаришнинг компонентлари: аксиологик компонент, технологик компонент, шахсий-ижодий компонент.

39-Мавзу. Корхонада меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш, меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлаш

Ходимлар ва уларнинг корхона фаолиятидаги ўрни. Замонавий шароитларда корхонанинг кадрлар сиёсати. Корхона ходимлари, уларнинг таркиби ва тузилмаси. Корхона ходимлари ҳаракати ва уни режалаштириш. Ишчилар – корхона ишлаб чиқариш персоналнинг асосий қисми. Корхонада меҳнат унумдорлиги ва уни ошириш резервлари. Корхонада меҳнатга ҳақ тўлаш. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимлари. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тарифсиз тизими. Меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш. Кадрлар сиёсати ва меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этишда корхонанинг ваколатлари.

40-Мавзу. Стратегия яратишнинг вазифалари

Корхона фаолияти йўналишларини белгилаш омиллари. Компания миссияси, стратегик кўра билиш, фаолият йўналишини танлаш ўртасидаги боғлиқлик. Миссияни вазифаларга айлантириш. Стратегик бошқариш

тамойиллари. Стратегиянинг ташкилий даражалари. Корпоратив стратегия. Ишбоп стратегия. Функционал стратегия. Амалий стратегия. Стратегия турларининг ўзаро боғлиқлиги. Стратегияни ишлаб чиқишга ёндошув турлари. Бош стратегик ёндошув. Ваколатларни бошқаларга ўтказиш. Биргаликда коллоборацион ёндошув. Ташаббускор ёндошув. Стратегия яратишда миссия, мақсадлар, стратегиялар бирлиги. Ҳолиб стратегия мезонлари. Мувофиқ келиш даражаси. Рақобат курашида устунлик.

41-Мавзу. Таълим муассасасининг иқтисодий фаолиятини либераллаштириш

Олий таълим муассасаларининг ривожлантиришда бюджетдан ташқари маблағлари. Олий ўқув юрти муассасаларини ташқи иқтисодий фаолиятини кенгайтириш. Таълим соҳасида солиқ сиёсатини ривожлантириш. Таълим муассасасининг бюджетдан ташқари молиявий маблағлари. Таълим муассасаларини бюджетдан ташқари фаолиятини бошқариш. Таълим соҳасида кредитлар олиш. Таълим бюджети ва мониторинг тушунчалари. Таълим муассасасини молиялаш тартиби. Таълим муассасасини молия бўлимларининг фаолияти.

42-Мавзу. Кадрлар салоҳиятини таҳлил қилиш ва уларни иш билан таъминлаш. Персонални тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.

Кадрлар салоҳияти. Кадрларни иш билан таъминлаш ва уларни жой-жойига қўйиш. Кадрлар салоҳиятини таҳлил қилиш.

Персонални тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими. Персонални тайёрлаш ва қайта тайёрлаш шакллари.

ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси-Т.:Ўзбекистон, 2023.- 46 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-637-сон. 2020 йил 23 сентябр.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, 2022 йил 28 январ.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепсиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони, 2019 йил 8 октябр.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон қарори, 2017 йил 27 июл.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон қарори. 2018 йил 5 июн.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сонли қарори. 2017 йил 22 май.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи йиғилишидаги нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 21 январ, № 15 (7517)
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисидаги нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 22 январ, № 16 (7518)
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 23 январ, № 17 (7519)
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясида сўзлаган нутқини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш бўйича ўқув қўлланма. Т.: Маънавият. – 2021. – 278 б.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Парламентга Мурожаатномаси // 2022 йил, 20 декабр.
13. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: Ўзбекистон. 2021 йил, 464-б.
14. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик—ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил

яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январ, №11.

15. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.

16. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш—юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б

17. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: : Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

18.

2. Илмий адабиётлар

1. Акимова О.Б., Исмаилова З.К., Махсудов П.М., Уткина С.Н. Методика профессионального обучения. – Т.: Наврўз, 2020.-146 с.

2. Хакимова М.Ф., Мамаражабов Ш.Э. Махсус фанларни ўқитиш методикаси - Т.: Иқтисодиёт, 2021, 200-бет.

3. Иноятлов У.И., Муслимов Н.А., Рўзиева Д.И., Усмонбоева М.Х. Педагогика: нопедагогик олий таълим муассасалари учун мўлжалланган дарслик.— Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2016. – 256 бет.

4. Файзуллаева Н.С. Исламов А. Экономика и менеджмент в образовании.-ТДИУ, Иқтисодиёт, 2019.

5. Хакимова М.Ф., Мусаханова Г.М. Касбий педагогика –Т.: ТДИУ, Иқтисодиёт, 2019. -324 б.

6. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. Ўқув методик қўлланма. /– Тошкент, 2015. –120 б.

7. Очилова Г.О. Таълим технологиялари: Ўқув қўлланма - ТДИУ, Иқтисодиёт, 2021 –250 б.

8. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. под ред. д. т. н., проф. В. В. Попова, акад. РАО Ю. Г. Круглова. - 4-е изд.— М. : БИНОМ. Лаборатория знаний, 2014, - 322 с.

9. А.М.Шаммозов, Л.Н.Поддиопова, Л.И.Вончукина и др. Экономика высшей школы: опыт, проблемы, пути становления /– Уфа: Полиграф комбинат, 2017. – 443с.

10. Абулқосимов Х.П. ва бошқалар. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари.— Т., 2005.

11. Ғуломов С.С. "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш механизмлари" // Ўзбекистон иқтисодиёти ва инновациялари журнали. – Тошкент, 2018. – С. 11–17.

12. Херсей, П., & Бланчард, К. Х. (2007). Манагемент оф Организационал Беҳавиор: Леадинг Хуман Ресоурсес. Пеарсон.

13. Ибрагимов Х.И. "Таълимда бошқарув механизмларини такомиллаштиришнинг назарий асослари" // Инновацион таълим ва бошқарув. – Тошкент, 2021. – С. 38-45.

14. Илҳомов Б. "Раҳбарларнинг бошқарув кўникмаларини шакллантириш технологиялари" // Таълим жараёнида инновациялар. – Бухоро, 2021. – С. 36-42.

15. Инназаров М. "Кадрларнинг касбий ривожланишида педагогик ёндашувлар" // Узлуксиз таълим ва бошқарув. – Нукус, 2021. – С. 18-25.

16. Иноятлов У.И. "Сифат мониторингини такомиллаштириш технологиялари" // Бошқарув ва таълим назариялари. – Нукус, 2021. – С. 29-36.

17. Жураев Р.Х. "Инновацион бошқарув тизимлари таҳлили" // Замонавий педагогика тадқиқотлари. – Тошкент, 2020. – С. 11-18.

18. Мадкаримова Ф. "Раҳбарлар ва мутахассисларнинг бошқарув компетентлигини шакллантириш" // Узлуксиз таълим тизими. – Қарши, 2021. – С. 33-40.

19. Минтзберг, Х. (2022). Ан Ундерлйинг Тхеорй фор Стратегй, Организатион, анд Манагемент: Бридгинг тхе Дивиде Бетвеен Аналісис анд Сйнтхесис. Стратегис Манагемент Ревиев.

20. Мирсолиева М.Т. "Ўқитувчиларнинг инновацион компетенцияларини шакллантиришда замонавий ёндашувлар" // Педагогика ва психология тадқиқотлари. – Тошкент, 2020. – С. 34 - 42.

21. Мусавир, А. У., Серра, С. Э. М., Звикаел, О., & Али, И. (2017). Прожест Говернансе, Бенефит Манагемент, анд Прожест Суссес: Towardс а Фрамewорк фор Суппортинг Организатионал Стратегй Имплементатион. Интернационал Жоурнал оф Прожест Манагемент, 35(8), 1658–1672.

22. Муслимов Н.А. "Сифат мониторингининг таълим жараёнидаги аҳамияти" // Касбий таълим тизими. – Қарши, 2022. – С. 23-30.

23. Мухтаров Б. "Таълимда бошқарув компетентлиги ва унинг замонавий тенденциялари" // Инновацион таълим моделлари. – Нукус, 2022. – С. 19-26.

24. Низамова Ш. "Мутахассисларни касбий тайёргарлигини такомиллаштириш масалалари" // Таълим тизимида инновациялар. – Тошкент, 2020. – С. 67-73.

25. Нурибетов П.И., Ахмедов С.И. Ишлаб чиқариш менежменти. – Тошкент: Талқин, 2018. – 172 б

26. Пардаева М. "Хизмат кўрсатиш соҳасида оила хўжаликларини ривожлантириш" // Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш журналлари. – Нукус, 2021. – С. 25–33.

27. Пайзбег Б.А. Современный экономический словарь. - 6-е изд., перепаб. и доп. / Б.А. Пайзбег, Л.Ш. Лозовский, Е.Б. Стаподубцева. - М.: ИНФПА-М, 2017.- 512 с.

28. Родригуез, Р., Молина-Састилло, Ф.-Ж., & Свенссон, Г. (2020). Тхе Медиатинг Роле оф Организатионал Сомплекситй Бетвеен Энтерприсе Ресоурсе Планнинг анд Бусинесс Модел Инноватион. Индустриал Маркетинг Манагемент, 84, 328–341.

29. Саидов М., Тоштурдиев С., Саидов Н. Олий таълим муассасаларида сифат менежменти тизимини ИСО халқаро стандарти талаблари даражасида ташкил этиш масалалари // Иқтисодиёт ва таълим, 2009. – №5. – Б.148-151.

30. Саидов М.Х., Перегудов Л.В., Тохиров З.Т. Олий таълим (луғат-маълумотнома) / – Т.: Молия, 2003. – 313б.

31. Шухарт, W. A. (1931). Экономис Сонтрол оф Куалити оф Мануфастуред Продуст. Ван Ностранд Реинҳолд.

32. Тавана, М., Ҳажипоур, В., & Овеиси, С. (2020). IoT-Басед Энтерприсе Ресоурсе Планинг: Чалленгес, Опен Иссуес, Апплисаионс, Арчитестуре, анд Футуре Ресеарч Дирестионс. Интернет оф Тҳингс, 11, 100240.

33. Тешабоев Т. Олий таълим муассасаларида инновасион фаолият // Жамият ва бошқарув, 2009. - №2. - Б.28.

34. Тўракулов О.Х.. Замонавий компютер тармоқлари бўйича мултимедияли электрон ўқув қўлланмани яратиш технологияси // Узлуксиз таълим, 2006. - №4. – Б.34-42.

35. Турғунов С.Т. "Таълим тизимида сифат мониторинги механизмлари" // Таълим ва сифат назорати. – Тошкент, 2022. – С. 15-22.

36. Умаров А. "Таълимни бошқариш тизимида кадрлар компетентлигини шакллантириш" // Таълим ва бошқарув назариялари. – Самарқанд, 2022. – С. 25-31.

37. Ҳакимова М. "Таълимда инновасион бошқарув механизмларини такомиллаштириш" // Инновасион таълим ва тадқиқотлар журнали. – Тошкент, 2021. – С. 12-19.

38. Химматалиев Д. "Таълим жараёнида инновасион бошқарувнинг ролини тадқиқ қилиш" // Таълим жараёнлари ва инновасиялар. – Тошкент, 2020. – С. 47-54.

39. Зайнутдинов Ш.Н., Очилов А.О. Олий таълим муассасаларини бошқариш самарадорлигини баҳолаш // Иқтисодиёт ва таълим, 2010. - №2. – 112-117 б

40. Бопдовский Г.А., Нестепов А.А., Тпапицын С.Ю. Уппавление качеством: Моногпафия. – СПб.:ПГПУ им. А.И.Гепцена, 2019. – 169 с.

41. Василенко Н.В. Уппавление обпазованием: институциональный подход: Моногпафия. – СПб.: ГОУ ИПК СПО, 2017. – 268с.

42. Гопшков М.К. Модеппнизация поссийского обпазования: ппоблемы и пепспективы: Моногпафия. – М.: Издательство ЮПайт, 2018. – 352 с.

43. Н.М.Кузьмина, О.В.Толстякова Фопмипование опганизационной стпатигии уппавления кадповым потенционалом: компетентностный подход: моногп. /. – М.: ИНФПА-М, 2017. – 93 с. – (Научная мысль. Уппавление пепсоналом).

ИИИ. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

44. Астахова Н. И. Менеджмент: учебник для ппикладного бакалавпиата / Н. И. Астахова, Г. И. Москвитин ; под общей педакцией Н. И. Астаховой, Г. И. Москвитина. - Москва : Издательство ЮПайт, 2019. - 422 с.

45. Аҳмедова Н. "Касбий тайёргарлик тизимида узлуксизлик тамойиллари" // Касбий таълим назарияси. – Тошкент, 2022. – С. 41-48.
46. Ахунова Г.Н. Йўлдошев Н.К. Иқтисодиёт ва менежмент: Дарслик. – Т.: Иқтисод-Молия, 2005. – 175 б.
47. Андпеева А.А., Солдаткин В.И. Дистанционное обучение: сущность, технология, организация. - М.: МЭСИ, 2011. – 342с.
48. Антонова И.И. Всеобщее управление качеством. Основоположники всеобщего менеджмента качества / И.И. Антонова, В.А. Смирнов, С.А. Антонов. - М.: Пусайнс, 2016. - 168 с.
49. Бегимкулов У.Ш. "Сифат мониторинги ва инновацияларни жорий этиш масалалари" // Касбий таълимда тадқиқотлар. – Тошкент, 2020. – С. 47-54.
- 50.
51. Тожибоева Д., Ёлдошев А. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Дарслик. – Т.: Алоқачи, 2018. -568 б.
52. Хакимова М.Ф., Лутфуллаева Н.Х., Абдуллаева Р.М. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. – Т.: Иқтисодиёт, 2019.-138 б.
53. Исамитдинов С., Мадгофурова Д. ва бошқалар. Психология ва педагогика асослари. – Т.: Фан ва технология, 2014. -116 б.
54. Хаджабоев А, И.Хусанов. Касбий таълим методологияси. –Т.: Фан технология. 2006. -175 бет.
55. Чичерина Я.И., Нуркелдиева Д.А., Якубжанова Д.Я. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. – Т.: Фан ва технология, 2014. – 128 б
56. Атамуратова ва бошқ. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. –Т.: Янги аср авлоди. 2008. – 180 б
57. Драпеау Патти. Спаркинг студент креативити (практисал вайс то промоте инновативе тхинкинг анд проблем совинг). – Алехандриа – Виргиния, УСА: АССД, 2014. –54
58. Мичаел Ж. Феуер., Роберт Э. Флоден., Наоми Чудовский., Жудие Ахн. Эвалуатион оф Теачер Препаратион Програмс. Сопйригхт 2013 бй тхе Натионал Асадемай оф Эдусатион. Алл ригхтс ресервед. Инс.п120. [хтtp://www.наедусатион.орг](http://www.наедусатион.орг).
59. Паулине Давис., Лани Флориан. Теачинг Стратегис анд Аппроачес фор Пупилс витх Спесиал Эдусатионал Неедс: А Ссопинг Студй. Сопйригхт © Куеенъс Принтер 2004, Инс.п 87.
60. Тожибоева Д. ва бошқ. Иқтисодий педагогика. -Т.: Фан ва технология. – 2008. – 256 б.
61. Кучаров А.С. Таълимда тадбиркор кадрларни тайёрлаш. – Т.: Тошкент, 2005, -169 б.
62. Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э. Таълим тизимини бошқариш. –Т.: "Турон-Иқбол": 2006. - 592 б.
63. Саидов М.Х., Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти. – Т.: Молия, 2002, -169 б.

3. Интернет сайтлари

1. <http://www.ревью.уз/архиве/артислe.асп?й=200/@м=39@> ид =49
2. <http://www.пурдев.усда.гов/рбс/> - сайт УСДА (Агентство пазвития США).
3. <http://www.узпсб.уз/> –
4. <https://www.ворлдбанк.орг/эн/публисатион/хуман-сапитал/бриеф/инсигхтс-фром-дисаггрегатинг-тхе-хуман-сапитал-индех>
5. www.гов.уз.
6. www.коммунитемпowerмент.уз.
7. www.экономис.испу.ру - Научный центп бенчмапкинга и совепшенствования Ивановского госудапственного энепгетического унивепситета.
8. www.эду.уз – Ўзбекистон Песпубликаси Олий ва ўпта махсус таълими вазиблиги пасмий сайти.
9. www.эфкм.орг - Европейский фонд уппавления качеством (ЭФКМ).
10. www.шу.ас.ук/интегралехселленсе - Центп интегпального совепшенства унивепситета Шеффилд Халам, Великобритания (Европейское сообщество ппрактиков ЭФКМ в сфепе обпазования).
11. WWW.стат.уз – Ўзбекистон Песпубликаси Давлат статистика Кўмитасининг пасмий сайти.